



Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 1 октябрь, сешанба, №112 (3458).

»» Президент

МАҚСАД – УЛУҒВОР, ИСТИҚБОЛ ЁРҚИН, ХАЛҚИМИЗ ХАЙРИХОҲ

ПРЕЗИДЕНТ ҚАСИМ-ЖҰМАРТ ТҰҚАЕВ ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИГА ТАШРИФИ ЧОҒИДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИ?

Аввал хабар қилганимиздек, Давлат раҳбари вилоятимизга сафари доирасида қатор ижтимоий, маданий иншоотлар, саноат корхоналари, агросаноат ташкилотлари ҳамда Туркистон шаҳрида янги қурилган “Дўстлик уйи”нинг фаолияти билан танишди.

– Туркистон вилоятининг келажакдаги порлоқ. Ёшларимизга ибрат бўлаётган фахрийларга миннатдорчилик билдираман. Биз биринчи навбатда ёшларни қўллаб-қувватлашимиз керак. Барчамиз Ватанимизнинг равнақи йўлида ҳамкорликда ҳаракат қилишимиз жоиз. Кўп ташқи хавфлар мавжуд. Вазият барчангизга маълум. Туркистон вилоятида 50 миллат вакиллари



истиқомат қилади. Ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, юртимиз равнақи йўлидаги меҳнатингиздан миннатдорман. Қозоғистонда ҳеч қачон келажакдан хавотирланмишга асос бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Биз ҳамжиҳат, бағрикенг, вазмин, меҳнаткаш халқимиз. Бу – энг муҳим жиҳат. Шундай экан, биз бирлашган жамият асосларини мустаҳкамлашда давом этамиз, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев вилоят фаоллари билан учрашувда.

Давлат раҳбари Туркистон гўзал ва мусаффо шаҳарга айланганига эътибор қаратди. Бу Туркистонга вилоят маркази мақомини берган Қозоғистоннинг Тўнғич Президенти Нурсултан Назарбаевнинг хизматлари ҳисласи эканлигини таъкидлади.

Ийгилишда Оқсоқоллар кенгаши раиси Сўзақбай Абдиқулов Туркистон вилоятга айланганидан буён амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга алоҳида тўхталиб, аҳоли зич жойлаш-

ган минтақага кўрсатилаётган ғамхўрлик учун давлатимизга миннатдорчилик билдирди.

«SPK TURKISTAN» саноат паркида ташкил этилган кўргазмада гўшт, сут ва балиқ маҳсулотлари, ичимликлар, музқаймоқ, шоколад, шунингдек, йирик қишлоқ хўжалиги бирлашмалари томонидан етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари намойиш этилди.

Президентга вилоятда агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари таништирилди.

Хусусан, вилоятда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, сувни тежаш технологияларини жорий этиш, иссиқхоналар сонини кўпайтириш, сармовявий лойиҳаларни амалга оширишга эътибор қаратилади.

Қасим-Жўмарт Тўқаев тадбиркорлар билан мулоқотда қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

– Иш муваффақиятли олиб борилмоқда. Ҳукумат минтақага ёрдам беради. Кейинги йилларда Туркистон вилоятида барча соҳаларда салмоқли натижаларга эришилаётгани ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Ҳоким ишбилармон, яхши ишляпти. Шундай экан, минтақанинг келажакда ёрқин бўлади, деб ўйлайман. Барчангизга муваффақиятлар тилайман, – деди Президент.

Давлат раҳбари Ўрдабоши туманидаги Бадам қишлоғида жойлашган “Борте Милка” МЧБга қарашли сутчилик фермасида бўлди.

Хўжалиқда кунига 25 тонна сут қайта ишланиб, 20 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Президент ушбу тумандаги «JNRAY Group» МЧБ томонидан жорий йилда ишга туширилган тикувчилик корхонаси фаолияти билан ҳам танишди.

Саноатлаштириш давлат дастури доирасида майдони 6 минг квадрат метр бўлган енгил са-

ноат иншоотини очиб учун 1,4 миллиард тенге миқдорига молиявий ёрдам кўрсатилди.

Бугунги кунда корхонада 300 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Келгусида маҳсулот турини кўпайтириш, тикувчилар сонини 500 нафарга етказиш режаланди.

Вилоят ҳокими Дархан Сағитбадди маълум қилганидек, 2024-2027-йилларда умумий қиймати 2,5 триллион тенгеге тенг 145та сармовявий лойиҳани ишга тушириш вазифаси белгиланди. Бу 20 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Президентга Хитой компанияси билан пахтанинг элита навларини етиштириш ва ҳудудда тўқимачилик кластерини барпо этиш юзасидан музокаралар олиб борилаётгани маълум қилинди.

Akoda.kz. маълумотлари асосида.

• Обуна–2025

«ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН» – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

Қадрли муштарий!

2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига даврий нашрларга обуна бошланди.

Мустақиллик билан тенгдош халқ минбари ва овози, фахри саналимиш нашр омма ва давлат ўртасидаги олтин кўприк – доно маслаҳатгўй вазифасини ҳалол

ва вайжонан адо этмоқда. Ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Маънавий жиҳатдан юксалиб, камолот сари интилоқ истасангиз, кун сайин вилоят янгиликларидан воқиф бўлмоқни ихтиёр айлаб, оламушул воқеалардан бохабар бўлай десангиз, ҳеч иккиланмай суяқли «Жанубий Қозоғистон» рўзномасига ёзилинг.

Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзунгиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.

6 ойга обуна баҳоси:
«Қазпошта» ХЖ орқали –
Туркистон вилояти бўйича –
3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича –
3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

✓ 6 октябрь

ҲАР БИРИНГИЗНИНГ
ОВОЗИНГИЗ МУҲИМ!

УМУМХАЛҚ
РЕФЕРЕНДУМИ

www.election.gov.kz



Қозоғистон жаҳон ОАВларида

Дарго:

Йил бошидан буён Қозоғистонга
12 минг ватандош кўчиб келди

2024 йилда 12325 этник қозоқ ўз тарихий ватанига қайтди ва қондош мақомига эга бўлди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига кўра, кўчиб келувчиларнинг асосий қисми Хитой, Ўзбекистон, Туркменистон, Мўғулистон ва Россиядан.

Мамлакатга қайтган фуқароларнинг 45,6 фоизи – Хитойдан 39,2 фоизи – Ўзбекистондан 5,5 фоизи – Туркменистондан 5,4 фоизи – Мўғулистондан 3,1 фоизи – Россиядан кўчиб келган.

Қондошларни жойлаштириш учун ишчи кучи етишмайдиган ҳудудлар белгиланган. Улар: Ақмўла, Абай, Қўстанай, Павлодар, Шарқий ва Шимолий Қозоғистон вилоятларидир.

CentralAsia:

Нидерланддан Қозоғистонга иккита
Амур йўлбарси етказилди

Ўрмон хўжалиги ва ҳайвонот олами қўмитаси раиси Данияр Турғамбаевнинг айтишича, Нидерланд давлатининг мутасадди ташкилоти билан меморандум тузилган. “Богдана” ва “Кума” лақабли икки йўлбарс Бутунжаҳон ёввойи табиат жағфармаси (WWF) ва БМТ Тараққиёт дастури доирасида мамлакатга олиб келинди.

Мақсад – 70 йил аввал Марказий Осиёда йўқолиб кетган йўлбарс турини кўпайтириш. Келгуси йилда йўлбарсларни Россия Федерациясидан олиб келиш режалаштирилган.

Anadolu:

ЖХШТ машғулотларида тайёргарлик
давом этмоқда

Машқлар Жамоавий хавфсизлик тизимини мустаҳкамлаш ва ЖХШТга аъзо давлатлар ҳудудидида барқарорликни таъминлашга қаратилган.

ЖХШТга аъзо давлатларнинг тинчликпарварлик кучлари – махсус тайёргарликдан ўтган ҳарбийлар, полиция ва фуқаролик хизмати ходимлари, шунингдек, уларнинг техникаси. Ҳар бир тинчликпарварлик операцияда ҳарбий хизматчиларнинг таркиби, тузилмаси ва сони Жамоавий Хавфсизлик Кенгашининг қарори билан амалга оширилаётган вазифалар ҳажми ва зиддият ҳудудидаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Trend:

«ҚазМунайГаз» метан истеъмолини
камайтириш учун Канада билан алоқа
ўрнатилгани режалаштирмоқда

25 сентябрь куни “ҚазМунайГаз” ХЖ бошқаруви раиси Асхат Хасенов General Magnetic Canada Inc. (GMCI) Альфред Дюрр билан учрашди. Учрашувда томонлар музокаралар олиб борди ва метан бўйича дунёвий мажбуриятни бажариш масаласини муҳокама қилди.

“ҚазМунайГаз” – OGMP 2.0 ҳамкорлигида қўшилган ва ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаган Қозоғистондаги илк миллий компания.

Томонлар GMCI билан ҳамкорликни йўлга қўйиш метан чиқиндиларини назорат қилиш ва Қозоғистон энергетика шўъбасини барқарор ривожлантиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

ҚОЗОҒИСТОНДА ИШЧИЛАР МАОШИ ОШАДИ

Давлат раҳбари 2025 йилни “Ишчи касблари йили”, деб эълон қилиш ва уларнинг мақомини оширишни тақлиф қилди. Шу муносабат билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ишчиларнинг маоши қай тарзда ошишини изоҳлади.

Президентнинг топшириғига кўра, 2022 йилдан бошлаб бюджет соҳаси ходимларининг айрим тоифалари, шу жумладан, ишчи касблари ходимларининг иш ҳақи йилга ўртача 20 фоизга босқичма-босқич оширилмоқда. Натижанда, 2025 йилга бориб, уларнинг маоши икки бараварга ошади.

“Ўз навбатида, хусусий ташкилотларда ишчи-ҳодимларнинг маоши меҳнат ва жамоавий шартномалар билан белгиланади ҳамда у ишчи-ҳодимнинг малакаси, бажараётган ишининг мураккаблиги ва сифатига қараб белгиланади”, дейилади вазирлик хабарига.

24. kz. маълумотлари асосида.

“Дўстлик уйи”да ОҚСОҚОЛЛАР БИЛАН УЧРАШУВ



Туркистон шаҳридаги “Дўстлик уйи”да Қозоғистон халқи Ассамблеяси Оқсоқоллар кенгашининг республика мажлиси ўтди.

Тадбирда ҚХА раиси ўринбосари, ҚР Президенти Девони – ҚХА котибияти мудир Марат Азилханов, ҚР Маданият ҳамда ахборот вазирлиги Этнослараро муносабатларни ривожлантириш кўмитаси раиси Ғалим Шўйкин, Туркистон вилояти ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбари Ерлан Кузембаев, вилоят “Ижтимоий тоғулик” ДКК раҳбари Элмира Жанғазиева ҳамда этносисий тадқиқотлар институти директори Талғат Қалиев, шунингдек, Оқсоқоллар кенгаши раислари ва аъзолари иштирок этди.

Учрашувда сўзга чиққан ҚХА раиси ўринбосари Марат Азилханов Қозоғистоннинг ҳар бир минтақасидан ташриф буюр-

ган нуруний оқсоқолларнинг янги “Дўстлик уйи”даги учрашуви эзгуликдан нишон эканлигини таъкидлаб, ушбу иншоот барча туркистонликларнинг учрашувлар, маърифий суҳбатлар ўтказиладиган маънавият марказига айланишига ишонч билдирди.

– Оқсоқоллар кенгаши фаолияти давомида эзгу қадриятларни эъзозлашни ҳар бир фуқаронинг онгига синдириб бориши бош вазифа ҳисобланади. Шунингдек, жамиятдаги беш ижтимоий йўналиш доирасида умуммиллий курашга сафарбарлик, Президент эълон қилган “Ишчи касблари йили” доирасида ҳар минтақада элга азиз меҳнат одамларини тарғиб этиш, ёшларга касбий йўналиш бериб, меҳнатсеварликка даъват этиш муҳим, – деди Марат Алмасули.

Ғалим Шўйкин ўз сўзида оқсоқолларнинг этнослараро соҳадаги давлат сиёса-

тини амалга оширишдаги ўрнига тўхталиб, уларнинг иштироки жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга таъсир кўрсатишини таъкидлади.

Йиғилишда элимизнинг ҳар бир минтақасидан ташриф буюрган оқсоқоллар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, эл мустақамлигини ривожлантириш йўлида аҳолининг давлат тузилмалари вакиллари билан учрашувлари моҳияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб, иш тажрибалари билан ўртоқлашди.

Умуман, минтақавий Оқсоқоллар кенгашининг вакиллари учрашувга ижобий баҳо бериб, бу каби тадбирлар келгусида ҳам аънавий равишда ўтказилишини таклиф қилишди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК – САМАРА ГАРОВИ

Фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва иситиш мавсумига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.

Сайрам тумани ҳокими Арман Сабитов раислигида иситиш мавсуми даврида газдан заҳарланиш, сув тошқини ва бошқа фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича комиссия мажлиси ўтди.

Унда туман Фавқулдда вазиятлар бошқармаси раҳбари, фуқаро мудофааси полковниги

Асан Тўлепбергенов ҳисобот берди. У сув тошқинининг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган ишларга тўхталди.

Мажлисида туман ҳокими Арман Сабитов фавқулдда вазиятлар бўлими ходимларига хусусий ва кўп қаватли уйлarning қозонхоналари ва мўриларни кўридан ўтказиш ва камчиликларни бартараф этишни топширди.

Туман ҳокимининг матбуот хизмати.



“МЕҲНАТ КУНИ” НИШОНЛАНДИ

Туман маданият уйида “Меҳнат куни” байрами арафасида “Жамият учун ҳар бир мутахассис қадрли” мавзусида байрам тадбири ўтди. Тантананада туман маслаҳати араси, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари, “AMANAT” партияси Сайрам туман филиалининг ижроия котиби, давлат хизматчилари иштирок этди.



Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар дастлаб туман маданият уйи қошида уюштирилган кўргазмани томоша қилиб, маданият уйи дахлизидида махсус фотохудудда эсдалик учун суратга тушди.

Туман ҳокими Арман Сабитов барча иштирокчиларни байрам билан кутлаб, эзгу тилақларини билдирди.

– Барчангизни жамиятдаги меҳнат одами мақомини оширишга йўналтирилган махсус байрам – “Меҳнат куни” билан табриклайман. Сизларга мустақам соғлик, улкан муваффақиятлар тилайман. Фуқароларимизнинг турмушини яхшилаш ҳамда давлат тараққиёт даражасини ошириши йўлидаги меҳнатларингиз баракали, мартабаларингиз улғу бўлсин, – деди туман ҳокими.

Тадбир якунида туманнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ҳисса қўшган бир гуруҳ фуқароларга ташаккурномаларни маслаҳат котиби Шамхат Холмуродов, “AMANAT” партияси Сайрам туман филиалининг ижроия котиби Қуаниш Сиздиқовлар топширишди.

Бўлажак мутахассисларнинг билимларини чархлаб, уларни сидқидилдан меҳнат қилишга даъват этувчи тадбир байрам дастурига улашиб кетди.

Сайрам туман ҳокимининг матбуот хизмати.

ТУРКИСТОНДА ҲУНАРМАНДЛАР УЧРАШУВИ

Туркистон шаҳрида Жаҳон халқаро ҳунарманд шаҳарлар ташкилоти (WCC International) президенти Саад ал-Қадуми раҳбарлигида жаҳонга таниқли амалий санъат вакиллари учрашди.

Тадбирда 19та мамлакатнинг 30дан зиёд ҳунармандлари иштирок этди. Шаҳар ҳокими Нурбўл Турашбековнинг ташаббуси билан уюштирилган учрашувнинг мақсади – муқаддас шаҳарга Халқаро ҳунармандларлар шаҳри мақомини бериш.

Бугунги кунда Туркистон таркибида 115 аъзоси бор “Turkistan Qol oner odagy” жамоат бирлашмаси фаолият юритмоқда. Ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш мақ-

садида вилоят марказида “Ҳунармандлар шаҳарчаси” сайёҳлик мажмуаси барпо этилмоқда. У махсус кўргазма зали, томоша зали, соя-салқин боғ, шарқ бозори, тўйхоналар, меҳмонхона, автотураргоҳга эга улкан масканга айланиши кутилмоқда. Мажмуанинг жами майдони – 2,56 гектарни ташкил этади. Қурилиш ишларини йил охиригача тугатиш режаланмоқда.

Амалий санъат усталари, шунингдек, Х. Яссавий мақбарасида бўлиб, тарихий масканни оралади. Мақбара қурилишининг тарихига қизиқиб, уни томоша қилишди. Этноовул мажмуасида “Turkistan Qol oner odagy” жамоат бирлашмаси амалий санъ-

ат усталарининг ижод маҳсуллари кўргазмаси намойиш этилди.

Шаҳар ҳокими ўринбосари Талғат Тўлегенов меҳмонларга Туркистоннинг сайёҳлик салоҳияти ва имкониятлари ҳақида маълумот бериб, тараққиёт кўрсаткичлари билан таништирди.

2024 йил – Хитойда Қозоғистоннинг сайёҳлик йили. Шу муносабат билан Пекин шаҳрида улкан тадбирлар ва анжуманлар ўтди.

Унда Халқаро кўргазмада Ҳунармандлар уюшмаси аъзоларининг ижоди кўпчилигининг эътиборига ҳавола этилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Давлатимиз раҳбари Қ. Тўқаев жорий йили «Адолатли Қозоғистон: қонун ва интизом, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий неқбинлик» Мактубида жамият тараққиётининг турли жабҳаларига оид вазифаларни белгилаб, мамлакатимизда АЭС қурилиши келгусидаги устувор лойиҳалар қаторида эканини таъкидлади.



АЭС ҚУРИЛИШИ – МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ УЧУН МУҲИМ

“Биз элимизнинг ўзига хослигини ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган миллий манфаатларимизни эътиборга олган ҳолда, фақат олға интилишимиз керак. Бир сўз билан айтганда, келажакни уйлашимиз даркор. Шунинг учун мен атом электр станциясини қуришга доир жиддий қарор қабул қилиш зарурлигини ҳар доим айтиб келман”, деди у.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда электр энергияга талаб йилдан-йилга ортмоқда. Бугунги кунда Қозоғистонда электр энергияси тақчиллиги 1 ГВтдан ошди. Шу муносабат билан соҳа мутахассислари бонг урмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам АЭС қурилиши мамлакатимиз келажак учун муҳим аҳамиятга эга. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу лойиҳанинг шомол ва қуёш электр станцияларига нисбатан афзалликлари бисёр. Ҳозирда дунёда 400га яқин атом реакторлари мавжуд. Уларнинг ярами сув реактори иншоотларидир. Ҳозир-



ча, уларнинг ҳеч бирида фавқулдда ҳолат кузатилмаган.

Буни аҳолига тўғри ва атрофлича тушунтиришимиз жоиз. Шунинг учун барчангизни жорий йил 6 октябрда ўтадиган умумхалқ референдумида яқдил бўлишга ва ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлашга қақираман.

Мадийер МУҲИДДИНОВ,
Сайрам туман
маслаҳати депутати.

ТЎҒРИ ҚАРОР – ЖАМИЯТ РАВНАҚИ УЧУН



“AMANAT” партияси Жетисай туман филиалида “Атом электр станцияси қурилиши қўллаб-қувватлаш халқ штаби”нинг йиғилиши ўтди.

ҚР Парламенти Мажлиси депутати Т. Қириқбаев раҳбарлигидаги гуруҳ аҳоли билан учрашувлар якунларини сарҳисоб қилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар атом электр станциясини барпо этиш гоёсини фаол қўллаб-қувватламоқда. Зеро, бу республикамиз иқтисодиёти тараққиётга янги суръат бахш этадиган лойиҳа. Халқ штаби вакиллари «Оқтўстик Жарық Транзит» ҳамда «QAZAQGAZ AIMAQ» ХҲ ходимлари билан учрашувлар ўтказилди.

– Электр энергиясига талаб, айниқса, мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида ортмоқда. Утган йилнинг охирида электр энергияси тақчиллиги 3,1 млрд кв/соатни ташкил этди. У ҳозир Россиядан олинадиган электр энергияси ҳисобидан қопланмоқда, – деди Т. Қириқбаев. – Утган йили инфратузилмавий харажатларнинг ошиши туфайли 100 миллиард тенге тўланди. Келгуси харажатлар яна ошад.

Халқ штаби вакиллари Асиқата қишлоғидаги 15-сонли коллеж жамоаси билан ҳам учрашди.

“AMANAT” партияси
вилоят филиалининг
матбуот хизмати.

»» Президент Мактуби – амал дастури

ЎЗ ВАҚТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЧОРА

Муҳтарам Президентимизнинг жорий йилги Қозоғистон халқига йўллаган “Адолатли Қозоғистон: қонун ва интизом, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий неқбинлик” Мактубида таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилади.

Мен ушбу соҳа вакили сифатида мақсуд муҳим ҳужжатга ўз муносабатимни билдирар эканман, Қасим-Жўмарт Кемелулиннинг давлат грантлари бўйича айтган фикрини тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Давлат раҳбари мамлакатимизда фаолият юритаётган университетларга ёрдам кўрсатиш йўли орқали, мутахассисларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини босқичма-босқич кенгайтиришни маълум қилди. Ажратилган грантлар миқдори юқори сифатли ўқув жараёнини ташкил этиш имконини бериши керак, деган талабни қўйди. Бу билан фақат сифатли таълим беришга қодир университетларга грантлар ажратилиши, эндиликда барча таълим даргоҳлари ҳам давлат имтиёзларидан бирдек фойдалана олмаганини таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, олий таълим тизимига ислохотлар зарур.

Қолаверса, Президентимиз таълим соҳасидаги ислохотлар



доирасида касб-ҳунар тизимини янгилаш тарафдори. Бунинг учун 2025 йилни “Ишчи касблари йили”, деб эълон қилди. Энди техник ва касбий тизимда янгиликлар кўп бўлади. Хусусан, жамиятимизда оддий меҳнатқаш одамлар улугланади. Мактубда бундай инсонлар тоифасига яши таъриф берилди: жамиятимизда меҳнатсеварлик ва касбга оид қадриятлар доимо биринчи ўринда туриши керак. Айнан ўз соҳаси мутахассислари туфайли халқимизнинг янги сифати шаклланди моқда. Албатта, йил давомида биз ҳам Мактубда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга ҳаракат қиламиз.

Баҳодир ҚҲҚОРТОВ,
75-сонли мактаб директори,
Сайрам тумани.

»»» Ўқитувчилар куни олдида

Луиза Малабоева: “МАКТАБ – УМРИМ МАЗМУНИ”

Бобур номидаги 7-сонли мактаб Сайрам туманидаги пешқадам таълим масканларидан. Бугунги кунда мазкур даргоҳга таълим соҳасини умрининг мазмуни деб билган таълимчи Луиза Малабоева раҳбарлик қилмоқда. Унинг ушбу соҳада фаолият юритаётганига ҳам салкам қирқ йил бўляпти.

Луиза Йўлдош қизи Қарағанди вилоятининг Қарқарали туманида туғилган. 1971-1981 йилларда Сайрам туманининг Оқсувкент қишлоғидаги Бобур номидаги умумтаълим мактабини, 1981-1986 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1986 йили ўзи таълим олган мактабда ўқитувчиликдан бошлаб, 1993 йили мазкур мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича уринбосари, 1999 йили директори этиб тайинланди. 2012-2023 йилларда Оқсувкент қишлоғидаги 47-сонли умумий ўрта таълим мактабиди директорилик қилди.

Луиза Йўлдош қизи жамоат ишларида ҳам фаол. У Оқсувкент қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси, Сайрам туман ўзбек этномаданият бирлашмаси хотин-қизлар кенгаши раиси вазифаларида хизмат қилган, шунингдек, VII

талади. Бу сафар ҳам у устоз-мураббийларнинг жамиятдаги мавқеига алоҳида эътибор қаратди. Маълумки, ёшларга муносиб таълим-тарбия бериш юрт келажакнинг гаровидир. Буюк маърифатпарвар Ахмет Байтурсинули: “Мамлакатни ислоҳ қилиш болалар таълимини тузатишдан бошланиши керак!” деган эди. Мамлакатимиздаги таълим соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади – таълим тизимини янги иқтисодий шароитга мослаштиришдан иборат. Жумладан, 2019 йили 27 декабрда қабул қилинган ҚРнинг “Педагог мақоми тўғрисида”ги Қонуни жамиятда устозлар мавқеини янада мустаҳкамлади. Сўнгги йилларда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг самарасини бермоқда.

Мактабимизда бугунги кунда 1076 нафар ўқувчи тахсил олмақда. Жами 136 ўқитувчи хизмат қилади, улардан 47 нафари педагог-тадқиқотчи, 35 нафари педагог-таҳлилчи, 38 нафари педагог-модератор, 16 нафари педагогдир. 2023-2024 ўқув йилида мактабимизни 86 нафар ўқувчи битириб, уларнинг 10 нафари «Ўздік аттестат» соҳиби бўлди.

Янги ўқув йили арафасида “Мактабга йўл” акцияси дои-



оналар кўмитаси билан ҳамкорликда “Ота-оналар академияси” қошида “Боболар мактаби”, “Оталар мактаби”, “Оналар мактаби”, “Акалар мактаби” ташкил этилди. Уларда ота-оналар фаол иштирок этиб келишмоқда.

Мактабимизда “Жинойятчиликнинг олдини олиш”, “Зўравонликнинг олдини олиш”, “Гиёҳвандликка йўл қўймаслик!” мавзуларида учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, “Нафосат” қизлар ва “Азамат” ўғил болалар ташкилотлари мактаб маъмурияти билан яқин ҳамкорлик қилади. “Диний экстремизм ва терроризмга қарши хулқ-атвор ҳа-



қақирқ туман маслаҳатининг депутаты бўлди, бугунги кунда Сайрам туман Оналар кенгаши аъзоси.

Ёш авлодга таълим-тарбия беришдаги самарали хизматлари учун ҚР Тўнғич Президенти, ҚР Таълим ва фан вазирининг ташаккурномалари, шунингдек, вилоят ҳамда Сайрам тумани таълим бўлимининг фахрий ёрлиқи ва ташаккурномалари, И. Алтинсарин номидаги медал билан тақдирланган. Унинг 2 фарзанди, 6 набираси бор.

Ўқитувчилар куни арафасида Л. Малабоева билан мулоқотда бўлди, у етакчилик қилаётган жамоанинг фаолияти ҳақида гапириб беришини сўранди.

Луиза Йўлдош қизи, суҳбатимизни ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг жорий йилги “Адолатли Қозғоғистон: қонун ва интизом, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий неқбинлик” Мақтубидаги ўқитувчилар ҳақида айтган фикрлардан бошласак. “Ўқитувчилар бу – миллатнинг узоқ муддатли тараққиётига пойдевор қўяётган мамлакатнинг заковат даргалари. Бизда энг яхши дастурлар, замонавий мактаблар ва илғор бошқарув тизимлари бўлиши мумкин, ammo яхши ўқитувчиларсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Шу боис педагогика олий ўқув юр்தларига мақсадга интилувчан, қобилиятли ёшларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу борада ижобий тамойил мавжуд, энди уни мустаҳкамлаш жоиз”.

Дарҳақиқат, Давлатимиз раҳбари ўзининг аънаванавий Мақтубида таълим соҳасига оид масалаларга алоҳида тўх-

расида МИЁ олувчи 67 нафар ўқувчига мактаб кийим-кечаги учун давлатдан 43 минг тенге маблағ ажратилди. Шунингдек, ҳомийлар кўмағида 25 нафар ўқувчига 433 минг тенгелик мактаб либослари ва ўқув қуроллари берилди.

– Синфдан ташқари ишларнинг ўрни ўзгачадир. Бу масалага тўхталсангиз...

– Ўқувчиларни баркамол инсон сифатида тарбиялаш ва уларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Умумий таълим билан бир қаторда ўқитувчилар томонидан давлат андазалари асосида футбол, волейбол, шахмат, хунармандчилик, баскетбол, “Ёш аскар” тўғрақлари ташкил этилган. Барча фанлар бўйича ўн кунликлар уюштирилиб, мусобақалар, семинарлар ва танловлар ўтказилади. Спорт соҳасида ҳам ютуқларимиз мўл. Масалан, 5-синф ўқувчиси Сардор Малабоев кикбоксинг бўйича ўсмирлар ўртасида Тараз шаҳрида ўтган республика турнирида 1-ўринни кўлга киритди.

Ўқувчиларимиз, шунингдек, “Минг бола”, “Олтин авлод”, “Ақбўта”, “Самўрық” заковат олимпиадаларида, “Зерде” болалар ижодиёти танловида иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритдилар. Жумладан, 9-11-синфлар ўртасида ўтказилган фан олимпиадасида туманда 13 нафар, вилоятда 2 нафар ўқувчи голибликни кўлга киритди.

2023-2024 ўқув йилида ота-

ракатларини шакллантириш мақсадида уюштирилган маърифат дарсларида илоҳиётшунослар Гулдариға Бекжан ва Жангелди Битанов ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказишди. “Шукрона кун” муносабати билан одоб-ахлоқ, камтарлик, ор-номус фазилатларини тарбиялаш мақсадида ҳарбий соатлар ташкил этилди.

Мактабимизда, шунингдек, “Дунёнинг нури сен бердинг менга...”, “Она гулим”, “Она қўшигим” мавзуларида байрам кечалари, маърифий соатлар ташкил этилди. “Наврўз байрамига хуш келибсиз!” мавзуида барча синфларда тарбиявий соатлар ўтказилди. Жумладан, «Қозғоғистон халқи бирдамлиги кун» ва “Ғалаба кун”га бағишланган байрам тадбирлари ташкил этилди. “Тоza Қозғоғистон”, “Тоza ҳовли”, “Менинг севимли мактабим” мавзуларида шанбаликлар уюштирилди.

Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаевнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаган ҳолда мактабимизда ҳар жума кун миллий либос кийиш аънаванасини йўлга қўйдик. Ҳафтанинг жума кунлари тўғрақ раҳбарлари ва жисмоний тарбия ўқитувчилари томонидан “Тўғиз кумалак”, “Ошиқ отиш” каби қозқ миллий ўйинларидан беллашувлар уюштирилади.

– Суҳбат учун ташаккур! Келуси фаолиятингизда омад ва зафарлар тилаймиз!

З. МЎМИНЖОНОВ
суҳбатлашди.

P.S. “Жанубий Қозғоғистон” газетасига 2025 йил учун 100 донага обунани расмийлаштирган Бобур номи мактаб жамоасига миннатдорчилик билдираимиз.

»»» Обуначиларимиз орасида

Кентов шаҳридаги Улғбек Бойметов раҳбарлик қилаётган Ў. Жанибеков номли умумтаълим гимназия-мактабига обуна масаласида ташриф буюриб, директорнинг ўқув ишлари бўйича уринбосари Шаҳноза Мирзааҳмедова(тасвирда)га келгуси ярим йиллик обунасини уюшқоқли ташкил этиш борасида тахририят мактубини топширдик.

“Қозғоғистон–Россия” университетида бошланғич таълим ўқитувчиси ихтисослигини эгаллаган, 20 йиллик иш тажрибасига эга Ш. Мирзааҳмедова директор раҳбарлигида ўқитувчилар ва ота-оналарга тарғибот-ташвиқот тадбирлари олиб борилаётганини таъкидлади. Жорий ярим йиллик учун

Ў. ЖАНИБЕКОВ НОМЛИ МАКТАБДА



мактаб жамоаси 80 нусха “Жанубий Қозғоғистон” газетасига почта орқали обуна бўлган.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф суратга олган.

»»» Қозғоғистон – бирлик ва тотувлик макони

ТАРТИБ, ИНТИЗОМ – БОШ МЕЗОН

Қарноқ қишлоғидаги Артур Асоев раҳбарлик қилаётган М. Қошғарий номли умумтаълим мактабиди Кентов шаҳар ички ишлар бўлими раҳбарлари, жамоат ташкилотлари етакчилари, ота-оналар, ўқитувчилар билан учрашув ўтди.

Кентов шаҳар полиция бўлими бошлиғи уринбосари, подполковник Азамат Сарсенқулов ва унинг ҳамкасблари нутқларида ота-оналар



фарзанд тарбиясида қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратиши лозимлиги таъкидланди.

Хусусан, мамлакатимиз миқёсида жамиятимизда ўрин олаётган иллатлар – уяли телефон орқали қимор ўйинлари, қарзга ботиш, на-

фақат ҳайдовчилар, балки пиёдалар ҳам йўл ҳаракати қодаларига амал қилишлари даркорлиги каби муҳим масалалар қайд этилди.

Бу мавзулар ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг жорий йилги Мақтубида ҳам мавжудлигини таъкидлашимиз лозим.

Ота-оналар учрашувдан ижобий таассурот олишди.

Олимхон АБДУҒАФФОРОВ,
фаол жамоатчи.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

ДИҚҚАТ, ҚИДИРУВ!



Қозғоғистон Республикаси Молия Мониторинг Агентлигининг Туркистон вилоятидаги Иқтисодий тергов-текширув департаменти ҚР ЖКнинг 307-моддаси, 3-банди 1-2-қисмлари ва 262-моддасининг 2-банди бўйича қўзғатилган 245100121000011-сонли жиноят иши бўйича гумондор 17.04.1994 йили Туркистон вилояти, Саригоч шаҳрида туғилган Шахан Тилектес Жамбилули қидирилмоқда, профилактика чораси “қамоққа олиш”, қидирув тури “давлатлараро”. Миллати – қозқ,



Ушбу шахс ҳақида бирон маълумотга эга фуқаролардан департамент навбатчилиги бўлимининг:8(725-33) 5-77-65 ёки қидирув гуруҳининг 8-701-575-06-26 рақамига телефон қилиши сўралади.

Қозғоғистон Республикаси Молия Мониторинг Агентлигининг Туркистон вилоятидаги Иқтисодий тергов-текширув департаменти ҚР ЖКнинг 109-моддаси 4-банди 2-қисмига кўра, 26.07.1995 йили Туркистон вилояти, Кентов шаҳрида туғилган Ражаббой ўғли қидирилмоқда, профилактика чораси “қамоққа олиш”, қидирув тури “давлатлараро”. Миллати – ўзбек.

Ушбу шахс ҳақида бирон маълумотга эга фуқаролардан департамент навбатчилиги бўлимининг:8(725-33) 5-77-65 ёки қидирув гуруҳининг 8-701-575-06-26 рақамига телефон қилиши сўралади.



Ушбу шахс ҳақида бирон маълумотга эга фуқаролардан департамент навбатчилиги бўлимининг:8(725-33) 5-77-65 ёки қидирув гуруҳининг 8-701-575-06-26 рақамига телефон қилиши сўралади.

Маълумот берган фуқоронинг шахси сир сақланиши ҳамда муқофот қафолатланади.

ХАЛҚАРО ҚАРИЯЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНДИ



34 йил муқаддам, яъни 1990 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1 октябрь – “Халқаро қариялар куни” деб эълон қилинган эди. Дастлаб бу байрамни Европа давлатлари, кейинроқ эса бутун дунё нишонлаган.

Бу кунни нишонлашдан асосий мақсад кам таъминланган, ногирон ва ёлғиз қарияларга эътибор қаратиш, уларга моддий, ижтимоий-оилавий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатишдан иборат.

“Халқаро қариялар куни” муносабати билан Ленгер шаҳридаги “Миллениум” тамадди-хонасида дастурхон ёзилиб, туман ҳокими, маслаҳати раиси, “AMANAT” партияси туман филиали ва жамоат ташкилотларининг ташақкурномалари ёши улуг инсонларга тақдим этилди.

Бугунги авлодни меҳр-оқибатли бўлишга, Ватанимизга

садоқат билан хизмат қилишга, атрофдагиларда ҳаётга, жамиятга ижобий муносабатни шакллантиришга ўргатиб келаётган отахону онахонлар эҳтиром кўрсатганларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

– Мамлакатимиз равнақи йўлида бор куч-ғайрати, ақл-заковати ва ғайратини сарфлаётган кекса авлод вакилларига давлатимиз томонидан ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Марказий истироҳат боғида “Фахрийлар уйи” бунёд этилди. Қурилиш ишлари туман аҳолиси ва тadbirkorлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Бугунги кунда фахрийлар уйи тумандаги азиз кексалар учрашадиган масканга айланган, – деди туман ҳокими вазифасини бажарувчи Сержан Дуйсебаев табрик сўзида.

– Ватанимиз келажаги йўлидаги ҳалол меҳнатингиз учун сизга чин дилдан миннатдорчилик билдираман. Бугун фидойи меҳнатингиз самарасини кўриб, ўғил-қизларингиз олдида бахтли ҳаёт кечираяпсиз. Кексалик йилларингизни мазмунли ўтказишингизни тилаб қоламан. Оилаларингизга омад, сийҳат-саломатлик, хайрли ишларингизда муваффақиятлар тилайман, – деди туман маслаҳати раиси Нурлан Қўйбағаров.

О. РАҲИМҒОЗИЕВ.



Туркистон шаҳридаги Этновул мажмуасида Қозғоғистон халқининг тиллари байрами доирасида вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасининг “Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари” байрам-тадбири ўтди.

Қозғоғистон халқи Ассамблеяси ва Қозғоғистон ўзбеклари этномаданият бирлашмаларининг “Дўстлик” ҳамжамияти, вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси бош бўлган тадбирда ўзбек халқининг миллий таомлари, хунармандчилик кўргазмаси уюштирилиб, концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Қозғоғистон халқи Ассамблеяси Раисининг ўринбосари, ҚР Президенти Маъмурияти ҚХА Котибияти муdiri Марат Азилханов, Ўзбекистоннинг Қозғоғистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Бахтиёр Ибрагимов, ҚР Парламенти Сенати де-

Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари байрами ўтди



путатлари Дархан Қидирали, Алишер Сотволдиев, Геннадий Шиповских, Амангелди Ғабдилкеримули, Ғалиасқар Тўлендиули, вилоят ҳокими ўринбосари Ертай Алтаев, шунингдек, вилоят ҚХА қошидаги Оқсоқоллар, Оналар кенгаши, этномаданият бирлашмалари раислари ва аъзолари иштирок этди.

Табрик нутқи сўзлаган ҚХА Раисининг ўринбосари Марат Азилханов, вилоят ҳокимининг ўринбосари Ертай Алтаев, Ўзбекистоннинг Қозғоғистондаги элчиси Бахтиёр Ибрагимов ва Сенат депутатлари мамлакатимизда баракали бирликни

мустақамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратишди. Элчи жаноблари барча миллатларнинг она тилини ривожлантириш учун шароит яратиш берган Қозғоғистон Хукуматиغا миннатдорчилик билдирди.

Байрам тадбирида вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллик кўрсатиб, жамоат тугулиги ва умуммиллий бирликни таъминлашга ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фуқаролар тақдирланди. Баракали бирликка қорлаган байрам тадбири санъаткорларнинг катта концертига уланиб кетди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Маориф жонқуяри

Октябрь ойида 85 ёшни қаршилаган Жўраҳон Даданов (тасвирда) босиб ўтган ҳаёт йўлларига разм солар экан, унинг осон кечмаганлигини яхши эслайди.



Дадан ота ва Аяш ая хонадонидан дунёга келган, тиришқок, ҳар бир ишга ишонч билан ёндошувчи бу инсоннинг бошига не-не оғир кунлар тушмади, дейсиз. Отадан эрта етим қолди. Урушдан кейинги қийинчиликлар, ҳаётнинг ҳар қадамида учрайдиган ноҳақликлар, турли синовлар унинг қаддини бука олмади. Баъзи ҳолларда кўзлаган мақсадига етишига бир баҳя қолганида ҳасадгўйлар унинг оёғидан чалиб, халақит берган бўлишига қарамай, мақсад сари тинимсиз интилди. Алишер Навоий, Ҳамза номли мактабларда таҳсил олди. Отаси УВУ жанг майдонидан ҳалок бўлиб, оиланинг асосий оғирлиги зиммасига эрта тушди. Икки опаси, бир синглиси ҳам бор эди. Туркистон педагогика билим юртида ўқиди. Совет Армияси сафида хизмат қилди. Собиқ “Победа” жамоа хўжалигида котиб, мактабда рус тили ва жисмоний тарбия фанлари ўқитувчиси вазифасини бениқсон адо этди. Шу йилларда ТошДўнинг филология факультети талабалари устозлари раҳбарлигида қишлоғимизга келиб, ўзбек тили шевалярини ўрганиб, тадқиқ қилиши унинг қалбидан тил ва адабиётимизга бўлган ҳавасни уйғотди. Бу истақ уни ТошДўнинг филология факультетига бошлаб келди. Аюб Ғуломов, Ёқуб Ғуломов, Карим Назаров, Шавкат Раҳматуллаев, Анортой Йўлдошев, Иристой Қўчқортоев, Ғулом Каримов, Анвар Шомақсудов, Бегали Қосимов, Омонулло Мадаев каби заҳматкаш олим-устозлардан сабоқ олди.

Университетни тамомлаб, “Победа” мактабида ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берди, директорнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган йиллари ушбу мактаб вилоятимиздаги пешқадам таълим даргоҳларининг бирига айланди. Сўнг тўққиз йил давомида мактаб директори вазифасида самарали фаолият юритди. Шу йиллари мактаб янги бинога кўчиб ўтди, унинг ҳовлисида боғ барпо этилди.

Туркистон тумани таълим бўлимида услубиятчи бўлиб ишлади, университетда устоз-мураббий бўлди. Пайгамбар ёшига етиб, нафақага чиқди. Умр йўлдоши, узоқ йиллар “Победа” жамоа хўжалигидаги “Алёнушка” болалар боғчасига раҳбарлик қилган раҳматли Мария Андреевна билан олти қиз ва бир ўғил тарбиялаб, вояга етказди. Невара ва зваралар дунёга келди. Ўғли Рустам “Қорачиқ” мактаби директорининг спорт ишлари бўйича ўринбосари, келини Сурайё тарбиячи, қизлари Гулнора, Света, Нилуфар маориф тармоғида, Лилия, Мадина бошқа соҳаларда, Наргиза эса тиббиёт йўналишида хизмат қилмоқда. Умрини маорифга бахшида этган Жўраҳон Дадановни 85 йиллик таваллуд айёми билан муборақбод этиб, соғлик-саломатлик, невар-звара, чеваралар тўйларида бош бўлиш саодатини тилаймиз.

Қодир АҲМЕДОВ.
“Ҳаёт жилolari” китоби асосида.

»» 1 октябрь – Радио ходимлари куни

САЙРАМЛИК “ЛЕВИТАН”НИ ХОТИРЛАБ

Қозғоғистонда радиохабар таратиш 1921 йилнинг октябрь ойида бошланган. Шу санани эътиборга олган Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Оммавий ахборот воситалари ходимларини касбий байрами билан қутларкан, Қозғоғистоннинг 100 йиллигини нишонлаш доирасида 1 октябрни Радио ходимлари куни, деб эълон қилишни таклиф этганди. Радио ходимларининг касбий куни радиони янада ривожлантиришга алоҳида рағбат бериши аниқ.

Иттифоқ даврида Сайрам қишлоғида ҳам радионинг ўрни ўзгача эди. Шу даврда ҳар бир хонадонда, албатта, радио бўлиб, радиосиз уйни тасаввур қилиб бўлмасди. Катталар ҳам, болалар ҳам радиодаги мусиқани эшитиб, соат неча бўлганини билишарди. Жамоа хўжалиги радиоузелида ҳам кенгаш янгиликлари, эълонлар, мажлис хабарномалари, концертга чақириқлар эълон қилиниб бориларди. Ҳа, у даврларнинг гаши, файзи бошқача эди. Чунки хотиралар беғубор ёшлигимизни ёдга солиди...

Ўзининг ширали овози, сержило галлари билан хўжалик янгиликларидан бохабар қила-



Абдурашид Маҳмудов дўсти Абдуғофир Мирсоатов билан



Абдумажид Маҳмудов иш жараёнида

диган Абдумажид Маҳмудовга сайрамликлар “Левитан” тахаллусини бежиз беришмаган. Катта авлод вакиллари ханузгача Абдумажид Маҳмудовни зўр иштиёқ билан эслашади. А. Маҳмудовнинг оддий эълонни ҳам тантанавор овозда, сўзларни жойига қўйиб айтиши бежиз эмасди, албатта. У Тошкент маданият оқартув билим юртида буюқ шоир Туроб Тўла сингари санъат даргалари билан бирга таҳсил олган. Уқишни тамомлагач, Абдор Ҳидоятлов, Шукур Бурхонлар билан бир саҳнада фаолият юритган.

– Бобомиз Шомаҳмуд домла бой бўлганлиги сабабли шўролар сибсатидан тазийққа учраб, оиласи билан Тошкентга кўчиб кетган экан. Уруш бошланиб, яшаш қийинлашиб кетди. Падали бузрукворим фронтга кетади, бобом эса оиласи билан Сайрамга қайтиб келади. Дадам буюқ шоир Туроб Тўла сингари санъат даргалари билан бирга таҳсил олган. Уқишни тамомлагач, Абдор Ҳидоятлов, Шукур Бурхонлар билан бир саҳнада фаолият юритган. Да-

дам Тошкентга қайтиши, театрда ишга бориши кераклигини айтган. Шунда уни уйлантириб қўйишади. Ойини ойимга уйланди дадам ўн бир нафар фарзанд кўради. Дадам, дастлаб, жамоа хўжалигида йўл бригадири сифатида фаолият юритган, кейинчалик радиога ишга кириб, нафақага чиққунга қадар шу ерда фаолият юритди. Дадам таниқли ҳофиз Тўлқин Хасановнинг укаси Ўткирнинг тўйини очиб, фотиха берган. Ана шу лентага муҳрланган, ҳозиргача уни кўз қорачиғидек асраймиз. Унда суҳандонлардек гапириб, ҳаммани ўзига қаратган экан, – дейди Абдумажид отанинг тўнғич ўғли Абдурашид Маҳмудов.



Абдуғофир Абдизимов микрофон олдида...

Суҳбатимиз қизган даврада Абдурашид отанинг дўсти Абдуғофир Мирсоатов ҳам Абдумажид Маҳмудов ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди.

Радиоузелда 20 йил ишлаган Абдуғофир Абдизимов билан ҳам учрашиб, радиоузел фаолияти ҳақида гапириб беришини илтимос қилдик.

– 1982 йилдан 2003 йилгача қишлоқ радиосида фаолият юритганман. Устозларим Шайлов Эрметов, Анормат Юнусматов, Турсунқул Учқораев, Ботир Эрметов, Мираҳмад Ашурматовлар билан меҳнат қилганман. Шу даврда Абдумажид Маҳмудов радиода навбатчилик қилиб, қишлоқ ва жамоа хўжалиги янгиликларини эълон қилиб борарди. “Диққат қилинг, колхоз радиосидан гапираемиз. Ленин номли колхознинг ахборотларини эшиттираемиз”, деганида ҳамманинг қулуги динг бўларди. Ўзи шахс сифатида покиза инсон эди. Қозғоғистон Ёзувчилар уюмаси аъзоси, фахрий журналист Ҳавазмат Қўчқоров “Маданият уйи”нинг директори эди. У ҳам бўлажак концерт эълонларини олиб келиб берарди. Абдумажид ака хўжалик бригадаларининг кундалик ишларини, гоилиларни эълон қилиб борарди. Жамоа хўжалиги кенгашининг мажлисига радио орқали чақириларди. У пайтда ҳар бир хонадонда радио бўларди. Биз узилган симларни, бузилган радиоларни ҳам таъмирлардик. Кейинчалик радиода туғилган кун табрикларини йўлга қўйганмиз. Унда табрикнаётган одамга мусиқий совға сифатида бир қўшиқ эшиттириларди. Кимнинг моли йўқолиб қолса, сувга хлор қўшилса, уни шу кунни истеъмом қилиш мумкинмаслиги, электр энергияси ўчирилиши тўғрисидаги ахборотлар ҳам аҳолига радио орқали маълум қилинарди.

Хуршид ҚўЧҚОРОВ.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БҮРҒОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Қазигурт – Хуршид ҚўЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тупкибош – Мунира СЎДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоҳ – Малика ЭЛТОВЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозғоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирилик томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
KZ34VPU00022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR print” МЧБ Босмаханасида chop этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11000 нусха.

Бичирмас
2366.

Набатчи муҳаррир: Мунира СЎДУЛЛАЕВА.